

Бюджетдан маблағ олувчи муассасаларни хизмат, жиҳозлар ва моддий товар бойликлар билан таъминлаш бўйича

№ 98137- сонли ШАРТНОМА

2022 й. «14» 6

2022-558-11-166-ОВ-сон

Қўқон ш.

Икки томонлама хўжалик мунособатларини ифодаловчи мазкур шартнома Низом асосида иш юритувчи (кейинги ўринларда «Хизмат курсатувчи» деб аталади **Universal variant MChJ** номидан раҳбар Д.Нурматов биринчи томон ва иккинчи томон Ўзбекистон Республикаси Қонунчилиги ҳамда ўз Низомига асосан фаолият юритувчи Қўқон Ободонлаштириш бошқармаси (келгусида «Буюртмачи» деб аталади) раҳбари А.Ахмедов ўрталарида куйидаги мақсадларда тузилди.

1. Шартнома предмети

1.1. «Хизмат курсатувчи» «Буюртмачи»га куйидаги хизматларни бажариб беради:

Хизмат номи ва тури	Ўлчов бирлиги	Микдори	Нархи (сўм)	Суммаси
63-Қудуқлик МФЙ 2 тор кўчасини жорий таъмирлаш учун лойиҳа смета ва экспертиза хужжатларини тайёрлаш	Усл.ед	1	5 620 000	5 620 000
Жами				5 620 000

1.2. Мазкур шартноманинг умумий қиймати 5620000 сўмни ташкил қилади. (сумма суз билан) Беш миллион олти юз йигирма минг сўм 00 тийин.

1.3. Шартномада кўрсатилган хизматларни бажариш муддати шартнома кучга кирган санадан бошлаб 10 (ўн) иш куни.

Изоҳ: Шартнома муддати бир ойдан ортиқ бўлганда хизмат турлари ва нархлари келгуси ойлар учун талаб ва эҳтиждан ва нарх-наволардан келиб чиққан ҳолда алоҳида спецификация ҳолатида тузилиб иккала томон ўртасида тасдиқлангандан сўнг ушбу шартномага илова қилинади ва шартномани ажралмас қисми бўлиб ҳисобланади. Ушбуни натижасида шартномани умумий суммаси ўзгарган ҳолатда қўшимча келишув орқали шартномани суммасига аниқлик киритилади.

2. Ҳисоб-китоб шартлари.

2.1 Бажарилган ишлар учун ҳисоб-китоб тўловлар жадвали бўйича ҳисоб-китоб қилинади.

2.2 «Буюртмачи» олдиндан 30 % микдорида туловни амалга оширади ҳамда тулик ҳисоб-китобни 60 кун ичида «Хизмат курсатувчи» хизматни бажариб бергандан сўнг, счет-фактураларга асосан, бажариб берилган хизмат қиймати учун пул ўтказиш йули билан тўловни амалга оширади. Шартнома бир ойдан ортиқ муддатга тузилганда 30% микдоридаги олдиндан тўлов тўлов жадвалига асосан ҳар ойда амалга оширилиб борилади.

2.3 Хизматлар учун нарх хизмат бажариб беришга доир ҳисоб китоблардан келиб чиққан ҳолда белгиланади. Агар давлат назорат органлари томонидан ўтказилган текшириш ва тафтиш ишлар натижасида бажариб берилган хизмат нархлари юқори деб топилса, ушбу фарк «Хизмат курсатувчи» зиммасидан копланadi.

3. Томонлар ҳуқуқи ва мажбуриятлари:

3.1 «Хизмат курсатувчи» хизматни сифатли бажариб берилишига кафолат беради ва хужжатларни тўғри расмийлаштиришни ўз зиммасига олади.

3.2. «Хизмат курсатувчи» «Буюртмачи» томонидан ишонч билдирилган, муассаса раҳбари ва бош ҳисобчи томонидан имзоланган, шартномага кўра хизмат бажариб беради. Агар «Хизмат курсатувчи» томонидан шартномада кўрсатилмаган хизматлар бажарса бажарилган хизматлар учун «Буюртмачи» томонидан ҳақ туланмайди. Шунингдек, «Хизмат курсатувчи» томонидан «Буюртмачи»га сифатсиз даражада хизмат кўрсатилса бу хизматлар учун ҳақ туланмайди. Ушбу ҳолатлар тегишли далолатнома орқали расмийлаштирилади.

3.3. «Хизмат курсатувчи» бажариб бераётган хизматларини ҳисоб-варақларда тўлик ва аниқ номини, навини, категориясини ва бошқа кўрсаткичларини кўрсатиши шарт. Шунингдек, ҳисоб-варақларни белгиланган тартибда рақамлаб, тўлик реквизитларини

Кўриб чиққан юрист: МЕХМОНОВ МУСОХОН МА'РУФЖОН О'Г'ЛИ. Хужжат рақами: WU2111860408

расмийлаштириши шарт. Тўлик расмийлаштирилмаган ҳамда хизматнинг сифати, нави ва категориялари кўрсатилмаган ҳисоб-варақлар бўйича тўлов амалга оширилмайди.

3.4. «Буюртмачи» «Хизмат курсатувчи» томонидан бажарилган хизматни шартнома шартларига тўғри келишини текшириб олгандан сўнг бажарилган хизмат учун шартномада кўрсатилган муддатда тўловни амалга ошириши шарт.

4. Жарималар кўланилиши

4.1. Агар «Хизмат курсатувчи» томонидан «Буюртмачи»га сифатсиз хизмат бажариб келган ҳолда «Буюртмачи» «Хизмат курсатувчи»дан бундай сифатсиз бажарилган хизматларнинг 20 % миқдоридан жарима ундириб олиш ҳуқуқига эга.

4.2. Агар «Хизмат курсатувчи» томонидан «Буюртмачи»га белгиланган хизматлар белгиланган муддатларида бажариб келмаса, «Хизмат курсатувчи» муддатида бажарилмаган хизматларни умумий қийматини 0.5% миқдоридан ҳар бир муддати ўтган кун учун «Буюртмачи»га пеня тўлайди, бунда пенянинг умумий суммаси бажарилмаган хизмат баҳосининг 50%дан ошиб кетмаслиги керак.

4.3. Бажариб берилган иш учун шартномада белгиланган муддат ичида асоссиз равишда тўлов амалга оширилмаган тақдирда ҳар бир кечиктирилган кун учун қабул қилинган хизмат қийматидан «Буюртмачи» томонидан 0.4 % миқдоридан аммо кечиктирилган тўлов суммасининг 50% дан ортиқ бўлмаган миқдоридан пеня тўлайди.

4.4. Жарималар тўланиши «Хизмат курсатувчи»ни ва «Буюртмачи»ни шартномада белгиланган мажбуриятларини бажаришдан озод этмайди

5. <Форс-мажор>

5.1. Шартномада кўрсатилган шартлар томонларга боғлиқ бўлмаган фавқулодда ҳолатларда бузилса (яъни сув тошқини, енгин, зилзила, бошқа табиий офатлар ва ҳукуматнинг махсус қарорларини бажариш билан боғлиқ ҳолатларда) томонлар жавобгар бўлмайди.

6. Шартнома муддати

6.1. Шартнома иккала томонлар имзолангандан ҳамда Ғазначилик бўлиmidан рўйхатдан ўтказилгандан сўнг кучга киради

6.2. Шартноманинг амал қилиш муддати 2022 йил 31 декабр гача. Маълум сабабларга кўра бажарилган хизматлар учун ўз вақтида тўловни амалга ошириш имкони бўлмаганда томонларни ўзаро келишувига асосан тўлов учун кўшимча вақт белгиланади.

6.3. Шартнома қуйидаги ҳолларда муддатидан олдин бекор қилиниши мумкин:

А) томонлар ўзаро ёзма келишувига асосан;

Б) «Хизмат курсатувчи» томонидан бажариб берилган хизматни сифатсизлиги тўғрисида «Буюртмачи» томонидан белгиланган тартибда расмийлаштирилиб тегишли хулоса олинганда;

В) «Хизмат курсатувчи» томонидан мазкур шартноманинг 3.1, 3.2, 3.3. бандлари бажарилмаганда;

Г) бюджетдан маблағ олувчини харажатлар сметасига белгиланган тартибда ўзгартириш киритилиши натижасида шартнома суммаси камайтирилиши лозим бўлгани ҳолда «Хизмат курсатувчи» ушбуга розилик бермаган тақдирда;

Д) нархлар ўзгариши натижасида махсулотларнинг нархи маълум санадан ўзгариши (камайиши еки купайиши) лозим бўлгани ҳолда томонлар ўзаро келиша олмаган тақдирда;

Изоҳ: б, в, г, д пунктлари бўйича шартномалар «Буюртмачи» томонидан бир томонлама бекор қилиниши мумкин. Шартноманинг бекор қилиниши тўғрисида «Буюртмачи» «Хизмат курсатувчи»га ёзма равишда, асосларини келтирган ҳолда хат билан маълум қилади

7. Кўшимча шартлар

7.1. Шартнома юзасидан келиб чиққан низолар ўзаро хал қилинади. Ўзаро хал қилинмаган тақдирда Ўзбекистон Республикаси конунларига асосан Иқтисодий судлари орқали хал қилинади.

7.2. Шартнома иккала томонлар имзолангандан ҳамда Ғазначилик бўлиmidан рўйхатдан ўтказилгандан сўнг кучга киради.

7.4 Шартномага барча ўзгартиришлар иккала томонлама келишилган ва томонларнинг имзо ва муҳрлари билан тасдиқлангандан сўнг амалга киритилади.

7.5 «Хизмат курсатувчи» ўз фаолиятини юргизиш учун лозим бўлган ҳужжатлардан (лицензия, гувоҳнома, сертификат... «Буюртмачи»га тақдим этади.

7.6 Шартномани бажарилиши учун таълуқли ҳужжатларни ҳаққонийлиги ва тўғрилиги учун ушбу ҳужжатларни тақдим этаётган томонлар маъсул ва жавобгардирлар.

8. Коррупцияга қарши келишув

8.1. Тарафлар коррупцияга қарши шартлашади ҳамда ушбу шартлашув мазкур шартноманинг ажралмас қисми бўлиб қолади.

8.2 Шартноманинг тарафи ва у томонидан жалб қилинган шахслар (ёрдамчи пудратчи ташкилотлар, агентлар ва тарафлар назорати остидаги бошқа шахслар) томонидан коррупцияга қарши қўшимча шартларга риоя етилмаганда, иккинчи тараф шартномани бир тарафлама тўхтатиб туришга, бекор қилишга ҳамда зарарни қоплаб беришни талаб қилишга ҳақли бўлади

9. Томонларнинг юридик манзили ва реквизитлари:

Буюртмачи

Кўкон Ободонлаштириш бошқармаси

Манзил Фазлий №1уй

Тел./факс 73 543 00 90

шх/р 100022860304057045201110009

ИНН: 200131694

Молия Вазирлиги Ғазначилиги Кўкон бўлими

х/р 2340 2000 3001 0000 1010

МФО 00014

ИНН 201122919

Марказий Банк Тошкент ш

Рахбар А.Ахмедов



Бош ҳисобчи З.Хамрокулова



Хизмат кўрсатувчи

Кўкон шаҳар Universal variant MChJM

анзил_Кўкон ш. А.Т.Хуқандий 466/1 Те

л./факс 90 5667997

Х/Р 20208000300486505001

ИНН: 303411618

МФО: 00 973

Банк номи: "Хамкорбанк" АТБ

Кўкон бўлими

ОКОНХ _____



Д.Нурматов

Коррупцияга қарши қондаларининг АСОСИЙ ШАРТЛАРИ

1. Томонлар шартнома бўйича ўз мажбуриятларини бажараётганда Ўзбекистон Республикасининг коррупцияга қарши курашиш тўғрисидаги қонун ҳужжатларининг талабларига зид келадиган ҳар қандай ҳаракатларни амалга оширмайдилар, шу жумладан пора, яъни Қўқон шаҳар Ободонлаштириш бошқармасининг ходими ўз хизмат мажбуриятларидан фойдаланган ҳолда пора берган шахснинг манфаатларини кўзлаб муайян ҳаракатларни содир этиши ёки содир этмаслиги шартлиги ёхуд мумкинлиги учун моддий қимматликларни ёки мулкий наф олиш учун қуйидаги ҳаракатларни қилмайди:

пора беришни таклиф қилиш ёки ваъда бериш;

товламачилик қилиш;

пора сифатида пул тўлаш;

бевосита ёки билвосита пора олишга розилик бериш.

Томонлар ушбу ҳаракатларга йўл қўймаслик бўйича чоралар кўрилишига кафолат беради.

2. Агар шартнома бўйича бир томон Қўқон шаҳар Ободонлаштириш бошқармаси ходимининг ахлоққа тўғри келмайдиган ва ушбу шартнома ёки Ўзбекистон Республикаси қонунчилик ҳужжатларига зид келадиган хатти-ҳаракатларига, шу жумладан, коррупцияга оид ҳуқуқбузарлик содир этишга мажбурлашдан иборат бўлган фактларга дуч келса, бу ҳақда қуйидаги алоқа каналларидан бири орқали хабардор қилиши керак:

коррупция ҳақида хабар беришга мўлжалланган ишонч телефони(1007, 1253);

Телеграм-каналли;

Коррупцияга қарши курашиш соҳасидаги ваколатли давлат органининг расмий веб-сайтида жойлаштирилган шакл ёки электрон почта.

ТОМОНЛАР:



Бажарувчи: **Universal Variant MChJ**

Рахбари: **Д.Нурматов**



Буюртмачи: **Кўқон шаҳар Ободонлаштириш**

бошқармаси рахбари

А.Ахмедов

YURIDIK AHAMIYATGA EGA HUJJATLARNING QONUN HUJJATLARIGA MUVOFIQLIGI TO'G'RISIDA HUQUQIY XULOSA

1. Loyi haning turi: Shartnoma.

2. Loyi haning nomi

Qo'qon shahar Obodonlashtirish boshqarmasi hamda "Universal Variant" MCHJ o'rtasida Qo'qon shahar 63-"Quduqlik" MFY ikkinchi tor ko'chasi yo'llarini joriy ta'mirlash uchun loyiha smeta va ekspertiza hujjatlarini tayyorlash to'g'risida shartnoma.

3. Loyiha ishlab chiquvchisi va kiritilgan sana haqidagi ma'lumot

Loyiha Qo'qon shahar Obodonlashtirish boshqarmasi tomonidan 2022-yil 13-iyun kuni ishlab chiqilgan hamda tizimga kiritilgan.

Loyiha O'zbekiston Respublikasining "Xo'jalik yurituvchi subyektlar faoliyatining shartnomaviy-huquqiy bazasi to'g'risida"gi Qonuni asosida o'rganildi. Shartnoma loyihasi amaldagi qonun hujjatlari talablariga javob beradi. Tomonlarning shartnomada ko'rsatilgan javobgarligi va o'zaro nizolarni hal qilish usullari O'zbekiston Respublikasi «Fuqarolik kodeksi» hamda O'zbekiston Respublikasining "Xo'jalik yurituvchi subyektlar faoliyatining shartnomaviy huquqiy bazasi to'g'risida"gi Qonuni asosida tuzilganligi haqida xulosa qilinadi.

Markaz bosh yuriskonsulti



M.Mexmonov

2022 yil «13» iyun



Фарғона вилояти Кукон шаҳар 63-Кудуглик МФЙ Кудуглик 2- тор кўчаси жорий таъмирлаш ишларини бажариш учун
НУКСОНЛАР КАЙДНОМАСИ

Биллар қуйида имзо қўйувчилар: Кукон шаҳар ободонлаштириш бошқармаси вакили Н.Шокиров, 63- Кудуглик МФЙ раиси _____ 63- Кудуглик ҳоким ёрдамчиси _____ лар
 биргаликда 63-Кудуглик МФЙ Кудуглик 2- тор кўчасини жорий таъмирлаш ишларини бажариш учун йўлни визуал текширув ва инструментлар ёрдамида ўлчаб чиқиб, қуйидаги иш
 турлари ва ҳажмларини 2022 йилда бажариш лозимлигини аниқладик.

Т/р №	Ишларнинг манзили		Узунлиги, м	Йўлнинг мавжуд ҳолати	Лойиҳада қўзда тутилган иш турлари ва тартиби	Иш ҳажмларини ҳисоблаш формуласи	Ўлчов бирлиги	Миқдори
	ик дан	гяча						
1	2	3	4	5	6	7	8	9
1	0+00	3+00	300	Кўчанинг мавжуд ҳолати кўм шағал аралашмасидан иборат булиб паст- баланд жойлари мавжуд	Кўм шағал аралашмасидан қушиб текислаш зарур	300x5	м2	1500
2	0+00	9+00	900	Юриш қисми қопламасида кўп жойларда бузилишлар, чуқурчаноқлар ва тўрсимон ёриқлар мавжуд	Майда донали зич несик асфальтобетон қоришмасидан h=5 см қалинликда қоплама етказиш	900x4,5	м2	4050
Ашёларни ўртача ташиш масофаси								
1				Асфальтобетон маҳсулоти (Кукон АБЗ)			км	20
2				ГПС (Кукон АБЗ)			км	20

Кукон шаҳар ободонлаштириш бошқармаси вакили:
 63- Кудуглик МФЙ раиси:
 63- Кудуглик МФЙ ҳоким ёрдамчиси:



(Handwritten signature)

Н. Шокиров

(Handwritten signature)